

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 114 (10.419)

2005 ЙИЛ 14 ИЮНЬ

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСКА СЎЗЛАР

● **БУГУН** Тошкент пахта саноати илмий текшириш институтинда "Маънавият ва маърифат" марказининг Як-касарой туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати "Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш" деб номланди.

● **АЙНИ** кунларда "Соғлом авлод учун халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Германиянинг "Фриденсдор-Интернэшнл" халқаро ташкилоти ҳамкорликларида лабида туғма нуқсонли бор болалар тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Бундан мақсад тиббий муолажага муҳтож болаларни Германия клиникаларида бепул жароҳлиқ йўли билан даволашдир.

● **АЙНИ** кунларда Учтепа туманидаги "Нўғайкўрғон" ҳамда "Гузар" маҳаллаларида "Камолот" ЁИХ Учтепа туман Кенгаши, Давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорликларида учинчи июндан бошланган "Тилларни ўрганамиз" дарслари қизғин давом этмоқда. Ушбу тадбир учинчи июлда якунланади.

● **«УМИД»** спорт мажмуасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги Тошкент шаҳар спорт бал рақслари федерацияси ҳамда Елена Оденцова раҳбарлигидаги "Ониск" рақс клуби ҳамкорликларида "Камалак жилоси" спорт бал рақсларининг Тошкент шаҳар биринчилиги бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

«Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди». Президент Ислам Каримовнинг ушбу пурматно сўзлари Ўзбекистон ёшларининг 18 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтадиган ватанпарварлик фестивалининг шiori этиб танлангани бежиз эмас. Яқинда Андижон шаҳрида содир этилган фожиали воқеалардан сўнг ҳар биримиз мустақилликнинг асосий ютуғи ва улкан бойлиги — саховатли заминимиздаги тинчлик ва оёйсизшатилик эканлигини янада чуқурроқ ҳис этдик. Яна шунга ишонч ҳосил қилдикки, эркин демократик давлат, кучли фуқаролик жамаияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ўзбек халқини танлаган йўлдан ҳеч ким қайтара олмайди.

## ЁШЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ФЕСТИВАЛИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кучли ва билимли, мard ва жасур, истеъдодли, ватанига содиқ, мамлакат келажagini ўз зиммасига олишга қодир янги авлод вояга етди. Бунинг асосини охирида Тошкент вилоятида бўлиб ўтган коллеж ва лицейлар ўқувчиларининг «Баркамол авлод» республика спорт ўйинлари ҳам яна бир бор исботлади. Ушбу мусобақаларда Андижон вилояти жамоасининг биринчи ўринни қўлга киритганида чуқур рамзий маъно бор. Чунки бу фақат спортдаги ғалаба эмас. Балки, андижонлик ёшларнинг ушбу ютуғи юртимиз тинчлигини буюмоқчи бўлганларга матонатли ва ватанпарвар ўзбек йигит-қизларининг муносиб жавоби, мустақил Ўзбекистонинг ҳеч қачон ҳеч кимга бериб қўймаслигини яна бир тасдиғидир.

Айнан шу фикр бўлажак ёшлар фестивалининг асосий гоаси ҳисобланади. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика «Ка-

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,  
Сизнинг тақлифингизга биноан жорий йилнинг 10-12 май кунлари Ўзбекистон Республикасига давлат таширифим чоғида кўрсатилган иззат-икром ва ҳурмат учун самимий миннатдорлик изҳор этиш шарафига муяссарман. Ушбу ташириф муваффақиятли ўтганидан гоят мамнун эканлигимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, музокаралар натижасидан ҳам мамнун эканимни изҳор этмоқчиман. Улар доирасида энергетика, табиий заҳиралар ва ахборот технологиялари соҳаларида ҳамкорлик бўйича амалий тақлифлар, истиқболли ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга қаратилган иқтисодий ёрдам чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Мамлакатларимиз ҳукуматлари бу лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этишда яқиндан ҳамкорлик қиладилар, деган умиддаман.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда истиқомат қиладиган корейслар нафақат мамлакатингиз тараққиётида муҳим ўрин тутади, балки республикаларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ва мустақамлашга ҳам ўзига хос ҳисса қўшади. Жаноби Олийлари, шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасидаги корейс миллиятига мансуб фуқароларга кўрсатаётган доимий эътиборингиз бундан кейин ҳам ошиб бораверишига умид билдиришдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига чин дилдан мустақам соғлиқ ва фаровонлик тилайм.

Ho My XEH,  
Корея Республикаси Президенти

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон мустақиллик йиллари мобайнида жаҳондаги кўпгина давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик ўрнатишга ҳамда ривожлантиришга муваффақ бўлди. Айни бир вақтда мамлакатимиз ўзи имзолаган халқаро шартномаларнинг қондаларини аниқ бажариб келмоқда. Бунда энг аввало миллий манфаатларга ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашга асосланмоқда.

Сенат Ташқи сиёсат масалалари кўмитасининг 13 июнда ўтган мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонуннинг Адлия вазирлиги томонидан қандай ижро этилаётганлиги масаласи кўриб чиқилди. Бу масалага доир ахборот билан адлия вазирини Б.Мустафоев сўзга чиқди.

Муҳокама вақтида таъкидланганидек, мазкур ҳуқуқий ҳужжат қондаларини бажариш юзасидан Адлия вазирлиги томонидан муайян ишлар қилинган. Хусусан, унинг таркибида халқаро-ҳуқуқий масалалар бошқармаси ташкил этилган, халқаро шартномаларнинг лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан юридик хулосалар тайёрлаш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Мажлисида 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонун Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда, деб алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга халқаро шартномаларнинг лойи-

ҳалари юзасидан айрим вазирликлар ва идоралар томонидан тайёрланган хулосаларнинг сифати, сенаторлар таъкидлаганидек, қўйилаётган талабларга баъзан жавоб бермапти. Халқаро ҳужжатларнинг лойиҳаларини уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги нуқтаи назардан ҳар тарафлама таҳлил этиш ҳамisha ҳам таъминланаяпти, деб бўлмайди.

Шу муносабат билан парламент юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган ўзгаришларни, икки палатали парламентга ўтилганлигини, шунингдек, халқаро шартномалар тузиш ва уларни ижро этишда тўпланган тажрибани инобатга олиб, халқаро ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан тайёрланаётган экспертлик хулосалари сифатини ошириш зарур эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Халқаро шартномаларнинг ижро этилиши мониторингини таъминлаш, номи зикр этилган Қонунни янада такомиллаштириш, халқаро ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон қонун ҳужжатларига синдириш масалалари юзасидан тавсиялар билдирилди.

Кўмита раиси С.Сафоев таъкидлаган мазкур мажлисида муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## XVI сардоси

Барча малбалардан оқилган сўғити хабарлар

### Мамлакатимизда

● Самарқанд шаҳридаги Беруний номи педагогика коллежиде «Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш борасида коллеж-мактаб механизмини такомиллаштириш йўллари» мавзусида амалий-услубий семинар бўлиб ўтди.

● Оролбўйи галлакорлари бугдой ўримиға киришдилар. Мавсумни биринчилардан бўлиб Эллиқалъа ва Амударё туманлари деҳқонлари бошлаб берди.

● Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. Паркент туманида ҳам бу борада бир қатор ишлар нийҳосига етказилаётган. Шу йилнинг ўзида туманда иккита қишлоқ шифокорлик пункти қурилиб фойдаланишга топширилди.

● Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиғига қарашли Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институтида эндокринология ва болалар гинекологиясининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Қарши Давлат университетиде Жаҳон тарихи ва археология кафедраси ташкил топди.

● Чим устида хоккей бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бошланди.

### Жаҳонда

● Кашмир муаммоси бўйича Ҳинд-Покистон келишувлари муносабатларида янги давр бошланади. Покистон «Хуррият» ва «Умумпартиявий озолик конференцияси» Кашмир сиёсий бирлашмалари ташириф буюришиди.

● Шу йилнинг июль ойлари бошларида Шотландияда «Катта саккизлик» давлатлари раҳбарлари учрашуви бўлиб ўтади.

● Эрон пойтахти Техронда дунёда энг катта саналган соат ишга туширилди.

● Шимолий Осетияда Беслан оналари кўмитаси вакиллари очлик эълон қилишди.

● Хитой суди 41 ёшли компьютер ўйинлари ишқибози Цю Чэнвэйни ўлим жазосига ҳукм қилди. Унинг айби шундаки, у онлайн ўйин тизимидаги рақиб Чжу Цаюаннинг жонига қасд қилган.

А.ИВАНОВА,  
ЎЗА мухбири

## ДЎСТ БОШГА КУЛФАТ ТУШГАНДА БИЛИНАДИ...

«Халқ сўзи» газетасининг 10 июнь сонида ҳамшаҳримиз А.Хлизовнинг «Уйдирмалар тарқатишдан мақсад нима?» мақоласини ўқиб, очиги, тўлқинланиб кетдим. Зеро, унда кўтарилган мавзу халқимизнинг юрагидаги жароҳат, кўтарилган саволлар эса, «учинчи дунё» деб аталувчи ташқи кучлардан қутилаётган жавобдир.

Мақолада айтилганидек, демократияни қурол билан олиб келиб, мажбуран ўрнатиб бўлмайди. Республика-мизга «ўз демократия-сини» олиб кирмоқчи бўлган баъзи бир Ғарб давлатлари қаттиқ адашади.

Буюк Ипак йўлини бирлаштирган замин-мизда, инсонлар қалбида қадимдан ҳалоллик, одиллик, меҳмондўст-лик ва меҳр-мурувват каби эзгулик уруғлари чуқур илдиэ отган. Аф-суски, бу инсоний қад-риятларни ғарбликлар ўз қолипларига мослаш-тирмоқчи бўлмақда.

Яна шуни айтиш ло-зимки, демократия бу улар талаб қилаётгани-дек, овоз борича бақир-чақир ёки ота-онасию, ёши катталарни танқид қилиш эмас. Бир бола-ни етти маҳалла тарбия қиладиган, оилапарвар, тинчликсевар халқимиз-га хос демократия ҳеч

қачон Ғарб демократи-ясига ўрин алмаштира олмайди.

Грузия, Украина ва Қирғизистонда бўлиб ўтган «рангли револю-циялар» қандай кучлар томонидан олиб борил-ганлиги ҳозирги вақтда халқимизга сир эмас. Ушбу давлатларда ўз «ўйинларини» муваффа-қиятли амалга оширган «учинчи дунё» кучлари Андижонда ҳам ана шундай нотинчликлар келтириб чиқаришга уринди. Ўзлари эса чет-дан қарсақ чалиб куза-тиб туришди. Дарҳақи-қат, муаллиф тўғри са-волни кўтарган: бутун дунёга, аксилтеррор кучларига қарши кураш гоёсини байроқ қилиб жар солаётган АҚШ ва айрим Европа давлатла-ри Андижондаги хунрез-ликларни кўра била ту-риб, ҳаттоки маънавий ёрдам кўрсатмасдан, аксинча, турли шов-шув кўтариши, халқаро ко-

миссия текширувларини киритиш тўғрисидаги та-лабларини қандай ту-шунмоқ лозим? Айтий-лик, комиссия киритди ҳам дейлик.

Уларнинг мақсади террорга қарши кура-шиши ёки ўзга давлат-нинг ички ишларига аралашими? Халқимиз бундай «ташқи кучлар»-нинг асл мақсадини ўз вақтида англаб етди.

Яна англаб етдики, бундай хунрезликларга сиёсий тус бериш, «тинч аҳоли намойиши», «яшил революция» каби турли уйдирмаларни тар-қатиш халқимизнинг мустақиллигини йўқ қилиш, юртимизда бека-рорликни келтириб чи-қариш, одамлар юраги-га фулгула солиш ва фу-қароларнинг республи-ка Президенти сиёсати-га ишончини йўқотишдан бошқа нарса эмасдир.

**Х.АБДУРАҲМОНОВ,**  
журналист.  
(ЎЗА)

### Зикир МУҲАММАДЖОНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ артисти

— Ўзбекистон — жаннатмакон юрт. Бу ўлкага кимларнинг қадами етма-ган, кимлар унинг тузу ноиндан то-тиб, сувидан ичмаган. Бу юртга қасд қилиб, қўл кўтарганлар ҳеч қачон ния-тларига етишолмаган. Оллоҳнинг назари тушган бу юртнинг ўз эгаси, озод ва эркин халқи, Ватанни кўз қорачигидек асрайдиган мард ва жа-сур ўғлонлари бор. Лекин на илож-ки, бу ёруғ оламда оқ билан қора, яхши билан ёмон ёнма-ён юради. Баъзида ёмонлик бош кўтариб ху-руж қилса-да, барибир қуни келиб яхшилик олдида тиз чўқади. Бу ис-ботини топган ҳақиқат.

Андижон воқеалари ҳам ана шун-дай ёмонликнинг бир кўриниши. Ле-кин таассуфки, унга керагича ургу бераётган баъзи хорижий матбуот «ижодкор»ларининг қилмиши бугун бизни ҳайрату лол қолдирыпти. Гўё бўлиб ўтган жиноий хатти-ҳаракат-лар ўз аҳволдан норози аҳолининг «тинч намойиши» эмиш. Топилган қолипни қаранг. Ахир бу қолип ус-талари барча тафсилотлар билан та-нишиб, ўз кўзлари билан кўриб, ҳақиқатни эшита туриб, қолипни тес-қари томонга ағдарishi бугун бутун Ўзбекистон аҳлини танг қолдирмоқ-да. Назаримда фожеали воқеалар-ни бузиб кўрсатишдан мақсад Анфим Хлизов ёзганидек, ҳақон ҳамжам-ияти олдида Андижонда содир бўлган воқеалар ҳақида мутлақо нотўғри та-саввур ҳосил қилиш, хунрезликлар-ни содир этган кишиларни, уларнинг таъбири билан айтганда, «ўз аҳво-лидан норози аҳолини» жавобгар-ликдан сақлаб қолиш бўлса керак.

Бизда «Ит ҳуради, карвон ўтади» деган бир мақол бор. Олис манзил-ни кўзлаган карвон йўлида учраган барча тўсиқларни енгиб ўтган, ўз йўлидан қайтмаган. Келажаги буюк Ўзбекистоннинг ҳам ўз танлаган ёрқин йўли бор. Ҳар қанча хуруж, бўҳтонлар тарқатилмасин, бизни ҳеч ким ўз йўлимиздан қайтаролмай-ди.

### Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

— Эзгулик билан ёвузлик ораси-даги кураш инсон зоти борки тин билмас экан. Ҳамиша эзгулик ёвуз-ликни енгиб чиқади. Бунга ишончим қомил. Агар шундай бўлмаганда дунё бу кунги даражага етиб келмас эди.

Андижонда бузғунчиликларга йўл қўйган қуролланган гуруҳ, албатта халқимизнинг шижоати-ю куч-қудра-тини яхши тасаввур этолмаган. Энг оғир паллаларда ҳам ўзини йўқот-маган халқимиз бу гал ҳам ўзига со-биту содиқ қолди. Ёвузликни қўлла-мади. Андижон аҳли бузғунчилардан юз ўгирди, ўз нафратини яширмади. Кези келганда шуни айтиш керакки, Андижон халқи Дукчи Эшон замони-да мустақиллик учун курашган, кўрқмасдан адолат йўлига бошини тиккан эди. Буни тарих яхши била-ди.

Бу «ўйин»нинг узоқ-яқинларда ре-жиссёрлари борлиги аён ва бундай-лар анчагина эканлиги шундоққина кўриниб турибди. Улар зинҳор ўз ёвуз ниятларига ета олмайди. Хал-қимиз асло танлаган йўлидан қайт-майди, озодлигини ҳеч қачон қўлдан бермайди. Чиндан ҳам Президенти-миз айтганидек, ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Халқимизнинг аҳд-паймони шу!

Президентимиз Ислон Каримовнинг шу йил 25-27 май кунлари ХХРга давлат ташрифи чоғи-да Хитой Миллатлар марказий университетида ўзбек тили таълими йўналиши бўйича бўлим очилгани ҳақида хабар қилинган эди. ЎЗА мух-бири Ўзбекистон Миллий университети ректо-ри Равшан АШУРОВдан бу ҳақда батафсилроқ сўзлаб беришни сўради.

— Мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон андо-залари даражасига кўтариш мақсадида амалга оши-рилаётган ишлар самараси ўларок, бугунги кунда университетимиз хориждаги йигирмадан ортиқ етакчи илм-фан даргоҳлари билан ҳамкорликни йўл-қўйган.

Президентимизнинг Хитойга сафари давомида икки давлат раҳбарларининг ва турли соҳа мутасад-

## ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

диларининг ўзаро учрашувлари бўлиб ўтди. Савдо-иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий, ижтимоий-ма-даний йўналишлар бўйича ҳамкорликка оид йигир-мадан ортиқ ҳужжат имзоланди. Улар қаторида Мирэс Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан Хитой Миллатлар марказий университети ўрта-сида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳам бор.

Ушбу ҳужжатда икки олий ўқув даргоҳи ўртасида профессор-ўқитувчилар, талабалар алмашиш, бир-галикда илмий-тадқиқотлар олиб бориш, турли да-ражада илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, дарс-лик ва ўқув-услубий қўлланмалар яратиш кўзда ту-тилган. Хитой Миллатлар марказий университетида ўзбек тили таълими йўналиши бўйича бўлим очил-гани бу соҳадаги ҳамкорликнинг дастлабки самараси бўлди. Жорий йилда ушбу бўлимда йигирма нафар талаба ўқийди.

Университетга Президентимиз Ислон Каримовнинг ўзбек тилида чиққан ўн икки томлик асарлар тўпла-мини, ўзбек филологияси факультети олимлари иш-лаб чиққан ўқув режаси ва бошқа кўплаб китоблар-ни тақдим этдик.

Халқларимиз ўртасидаги неча минг йиллик ҳам-корликнинг узвий давоми бўлган бундай алоқалар мамлакатларимиз келажаги йўлида хизмат қилиши, шубҳасиз.

— Президентимизнинг қарорига биноан Ўзбеки-стон Миллий университетида очиладиган Олий жур-налистика курсига бу йил илк тингловчилар қабул қилинади. Шу ҳақда ҳам гапириб берсангиз.

— Ахборот асри деб ном олган ҳозирги давр жур-налистика таълимини янада ривожлантиришни, чу-қур билимни, дунёқарашни кенг, дадил ва жасорат-ли, айна вақтда муайян соҳага ихтисослашган, ма-ҳоратли мутахассислар тайёрлашни тақозо этмоқ-да. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005-2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарори-га кўра, университетимизда икки йиллик махсус Олий журналистика курси очилиши ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Унга бошқа ихтисосликлар бўйича бакалавр дара-жасига эга бўлган, журналистика соҳасида ўз иқти-дорини намоеън этиб келаётган мутахассислар тан-лов йўли билан қабул қилинади ва тўлов-контракт асосида ўқитилади. Битирувчилар журналистика их-тисослиги бўйича магистр даражаси ва белгиланган намунадаги дипломга эга бўладилар.

Ҳозирги вақтда университетимизда таълимнинг 35 йўналиши бўйича бакалаврлар, юздан зиёд ихтисос-лик бўйича магистрлар тайёрланмоқда. Шу кунлар-да янги ўқув йилига талабаларни қабул қилиш жа-раёнини ташкил этиш ва уни юқори савияда ўтказиш учун тайёргарлик ишлари якунига етмоқда.

**ЎЗА мухбири Баҳор ХИДИРОВА**  
сўхбатлашди.



Айтиш лозимки, бу устувор вазифалар бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланди. Шу боис ҳам Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мазкур соҳадаги ютуқ ва камчиликларга алоҳида эътибор қаратиб, амалга оширилажак ишлар кўлами хусусида атрофлича тўхталиб ўтган, келажакдаги режаларни белгилаб берган эди.

Ана шуларни назарда тутган ҳолда шаҳримизда қурилиш ва бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда коммунал ислохот талабларини ҳам тўлиқ амалга ошириш борасида ишлар кўзга ташланмоқда. Ҳозир шаҳримизда амалдаги йирик 394 та ширкатлар ўрнини бошқариш аянчагина кулай 10-12 тадан уй, ёки 500-600 тадан хонадонга эга 822 та ширкат фаолият юрита бошлади. Пойтахт туманларида ҳам қўриқдаги қарорлар ижроси юзасидан коммунал ислохотларнинг барча талаблари тўлиқ назорат остида бажарилмоқда. Жумладан, Сергели ва Яққасарой туманларидаги коммунал соҳадаги ижобий ўзгаришларни таъкидлаш ўринли.

Кунни кеча Ўзбекистон Республикаси

зириллар Маҳкамасининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш ускуналарини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 1 март ҳолатига кўра 8278 та иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналари, 23145 та совуқ сувни ҳисобга олиш ускуналари ўрнатилган. Бундан ташқари, дебиторлик қарзларининг камайиб бориши

бари, уй бошлиғи, профилактика нозирларининг иш телефон рақамлари битилган лавҳанинг осиб қўйилгани эътиборни тортади. Агарки, бирор фавқулодда ҳодиса рўй берса, УЖМШ аъзоси кўрсатилган рақамдаги телефонларга мурожаат этиши мумкин. Бу ердаги аҳоли учун яратилган шароит, болалар майдончалари аҳоли семинар аъзоларида катта қизиқиш уйғотди ва УЖМШ мутасаддилари билан савол-жавоб олиб борди. Узларини қизиқтирган масалалар юзасидан фикрларини ўртоқлашишди.

Маълумки, ушбу туман ҳудудидида 1995 йилдан бери фаолият олиб бораётган «Сувжихозгаз» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси халқ истеъмоли учун зарурий маҳсулотларни етказиб берувчи етакчи саноат ташкилоти ҳисобланади. Ҳозир бу ерда уй хўжалиғи жиҳозлари, 100 мингдан зиёд роқ газ ва сув ўлчагич асбоблари ишлаб чиқарилмоқда. Корхона фаолиятининг илк босқичида хитойлик ҳамкорлар 1 миллион долларга яқин инвестиция қилиб, ўлчагичларни йиғиш учун «Колокол» типидидаги ўлчагичларни текшириш жиҳозларини ишлаб чиқаришга жорий этишди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда кенг қўлланилаётган 60-70 фоиз уй шароитида ишлатилаётган газ ўлчагичлари ва 70-80 фоиз саноатда ишлатилаётган газ ва сув ўлчагич асбоблари «Сувжихозгаз» қўшма корхонаси ҳиссасига тўғри келади.

Семинар иштирокчилари бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати, уларнинг жойларда ишлатилиш самарадорлиғи, таннархи ва қулайликлари билан қизиқди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масала юзасидан тегишли қарори бу борадаги олиб борилаётган ишлар кўлами кенгайишида мўҳим аҳамиятга молик эканлиғи таъкидланди.

### Қарор ва ижро


## ЮТУҚЛАР ОМИЛИ ҲАМКОРЛИҚДА

Давлатимиз раҳбарининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Коммунал хизматлар тарифларининг асосси равишида ўсиб кетишига йўл қўймайлик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг шу масалага доир қабул қилган қарори — мамлакатимизда коммунал соҳада амалга оширилаётган ишларни тубдан ислох этиш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш тизимига бозор механизмларини жорий этиш борасида ўзига хос ҳуқуқий асосни яратиб берди.

йил охирига қадар 6,6 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Семинар қатнашчилари туманнинг намунавий даражага кўтарилган «Жаҳонаро гулдаста» УЖМШ фаолияти билан танишиш имконига эга бўлдилар.

— УЖМШимиз 1994 йил август ойида ташкил топган, — дейди ширкат раҳбари Ойзода Мамбетова. — Уйларимиз сони 9 та бўлиб 1025 та аҳоли яшайди. Албатта, уйларимизнинг ҳовли қисмида ҳар томонлама қулай, замонавий шароитларга эга майдончалар ташкил этиш ишларида туман ҳокимияти ва ҳомийлар ҳиссаси катта бўлди. Ҳозирда уй олдида экил-



Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг 05-3-17-сонли топшириғига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари, шаҳарлар ва Тошкент шаҳрининг туман ҳокимлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари раислари иштирокида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Шу билан бирга «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиғи дастурига асосан Сергели туманининг уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини ўрганишдан бўйича сайёҳ семинар ўтказилди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад УЖМШ фаолиятини такомиллаштириш билан бирга уларнинг жойлардаги ижро органлари, таъмирлаш ташкилотлари ўртасидаги жиқлиқни таъминлаш, моддий техника базани шакллантиришдан иборатдир.

Қайд этилганидек, семинар иштирокчилари ишни шаҳримизнинг Сергели туманидаги УЖМШлар фаолиятини ўрганишдан бошлади. Агар мазкур туманнинг географик майдони ҳақида гапирганда уни пойтахт шаҳрининг энг кичиги дейиш мумкин. Туманда ислохотлар талабларидан келиб чиқиб, уй-жой фондидан фойдаланиш, жорий ва капитал таъмирлашни ўз вақтида амалга ошириш учун мавжуд 30 та ширкат бўлиб, улар негизда 72 та ширкат ташкил этилди. УЖМШларнинг моддий-техника базасини яратиш учун 1 миллион 500 минг сўмлик маблағ сарфланди. Ва-

ган ҳар дарахта ким масъул эканлиғи ёзиб қўйилган.

Айтиш жоизки, туманда фақат, бугина ширкат эмас, балки «Хумо юлдузи», «Шокир ариқ», «Зафарали», «Малика коммунал сервис», «Гулистон тонги», «Султон Маҳмуд Мирзо» ва «Жомий коммунал» УЖМШларида ҳам иш суръати ва сифати сусайгани йўқ. Шу йилнинг 23 майида Тошкент шаҳрида АҚШ халқаро ривожлантириш агентлигининг «Марказий Осиёда маҳаллий бошқарув тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси асосида Урбан институти томонидан ташкил этилган «Энг яхши УЖМШ иш тажрибаси» кўрик-танловидида «Хумо юлдузи» ширкати 2000 АҚШ доллариға тенг грантни қўлга киритди.

Сайёр семинар иштирокчилари пойтахтнинг Яққасарой тумани ҳудудидидаги УЖМШ фаолияти билан танишиш мақсадида намунавий кўрсаткичга эга «Яққасарой коммуналчи» УЖМШида ҳам бўлди. Мутасаддилар ўзларининг илгор тажрибаларини меҳмонлар билан ўртоқлашишди. Айниқса, бу ердаги ҳар бир уй оstonасига «Ўз уйимизни ўзимиз обод қилайлик» шiori остида, маҳалла оқсоқоли, ширкат раҳ-



Ташриф буюрган УЖМШ мутасаддилари пойтахтда олиб борилаётган ислохотлар билан танишар экан, жойларда ўзлари раҳбарлик қилаётган УЖМШларда соҳанинг илгор тажрибаларини тадбиқ этиши, замонавий коммунал тизимни шакллантириш имкониятига эга бўлишди. Зотан, янгиликка интилиш, ўзгаришларни ҳис этиб яшаш кишиларни улкан бунёдкорлик ишларига чорлаш шубҳасиздир.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**  
**СУРАТЛАРДА: тадбир сафарларидан лавҳалар.**

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

### Алоқа

## ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ

Тошкент телеминораси ўзининг 20 йиллик санасига катта тайёргарлик кўрмоқда. Бутунжаҳон буюк миноралар жамиятига ҳақиқий аъзо бўлиб қўшилган мазкур улкан иншоотда қатор техник бунёдкорлик ишлари ҳам амалга оширилди.

Айни вақтда бу ерда телеминоранинг архитектура кўриниши ўз ҳолича сақланган ҳолда қўшимча қурилишлар бажарилди.

Миноранинг икки қаватли кириш мажмуасини бунёд этиш жараёни ҳам охирига қолди. Унинг биринчи қавати эса қуриб битказилди.

Телеминорага келувчи томошабинларга қулайлик туғдириш мақсадида эса махсус ёпиқ йўлак бунёд этилди.

## ЭНГ ЯХШИ ХАБАРЧИ

Почта алоқа тармоғи фаолиятини йўлга қўйишда почтачилар хизмати ҳам мўҳим ўрин тутмоқда. Шу сабабли ҳам алоқа ходимлари тили билан хабарчилар деб аталаётган бу касб эгалари илгор иш тажрибаларини оммалаштириш тадбирлари қўрилмоқда.

«Энг яхши хабарчи» деган номда республика кўрик-танловининг ташкил этилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди. «Ўзбекистон почтаси» хиссасдорлик жамияти ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касабга уюшмаси марказий кенгаши томонидан ташкил этилган бу маҳорат кўриғида бир неча фидойи почтачи голибликни қўлга киритди.

Тошкент шаҳри вакили сифатида беллашган «Тошкент почтачиси» шохобчасининг 77-алоқа бўлими хабарчиси соҳибдорлик иккинчи ўрин билан тадбирланди.

## ДАСТУРИЙ ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг тармоғи ҳисобланган фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази алоқа хизматига оид қўлланмалар яратиш бўйича ҳам фаолият кўрсатмоқда.


Марказ ходимлари изланишлари асосида «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси меъёрий ҳужжатларининг маълумотлар банки» дастури ҳам юзга келди.

Ушбу дастурда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига оид меъёрий ҳужжатларнинг матнлари ҳам ўз аксини топди.

**Акбар АЛИЕВ**



## Шарқ дурдоналари



● Инсонни ҳайвондан ажратадиган хоссалардан биринчиси: ақл, одоб, тарбия, сўзлаш қуввати ва тилдир. Инсон ақли, зеҳни билан яхши ва ёмонни, фойда ва зарарни ажрата олади. Ақл — инсон роҳатининг мадоридир.

Бир донишманд: «Ақлинг билан қара, кўз хоиндир, қалбнинг билан эшит, қулоқ ёлгончидир», деган. Ақл — раъйининг ҳақиқий ўлчови, фикр эса ақлнинг кўзгусидир. Инсон бир ишга киришар экан, энг аввал у ишни ақл каби адолат ўлчовида ўлчаб, келтириладиган фойда ёки зарарини ўйлаб, сўнгра у ишга ҳаракат қилиши лозимдир. Узи унча тушунмаган бир иш ҳақида шу ишни яхши тушунадиган тажрибакор маслаҳатчини олиш тавсия этилади.

Гўзал хислатлар — ақл ва камолнинг бир нишонасидир. Гўзал ахлоқ ҳам ақлнинг камолга эришганидан далолат беради. Бир мажлисда ҳеч кимга сўз бермай эзмалик қилиб сўзлай бермаслик, жоҳил ва нодоннинг сўзларига сукут билан жавоб беришлик соғлом ақл олдида ҳар инсон учун голибият ва садоқат бўлиб, бунинг акси эса пушаймонлик ва тубаниқидир.

Инсоннинг чеккан заҳмат ва машаққатига унинг тили ва жаҳли сабаб бўлади. Сукут инсонга саломатлик бағишлайди. Соғлом ақлнинг аломатларидан бири ҳам замоннинг истаганига қараб иш олиб боришдир.

● Ватанпарварлик — ёлғиз ўз ватанга меҳр қўйишдан иборатгина эмас. Бу жуда қалтис ҳис... Бу ватан билан ўзини бир бутунликда деб билиш, унинг яхши-ёмон кунлариде асқотиш демакдир.

● Ўзингни ватанга қанчалар яқин ҳис этсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва севиб-роқ тасаввур қилсан.

● Ҳар бир ватандошнинг энг асосли, энг муқаддас вазифаси ватани севиш ва унга ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача хизмат этишдир. Ватанимизга бўлган муҳаббат ва ҳурматимиз ҳеч бир нарса билан ўлчана олмайди.

Байт:

**Ватанга нафи йўқ  
яшалган ҳар кун,  
Инсон ҳаётида  
қолур бемазмон.**

● Ватан тарбиясини оила кўчигидан бошлаш лозимдир. Биласизки, кичик болаларда ватан фикри бўлмайди. Улар учун ватан — она кўчигидир. Болалар оилани сева-сева ватанларини севишига кўникадилар. Бу эътибор билан оила муҳаббати ватан муҳаббатининг асосини ташкил қилар экан. Оила муҳаббати эса оила кўчигида ва оила муносабатларида вужудга келгани учун ватан муҳаббати ҳам дастлабки озигини, дастлабки қувватини оила кўчигидан олади.

Оила аъзолари орасида нақадар қувватли боғланиш ва муҳаббат бўлса ватан муҳаббати ҳам шунча қувватли ва мустаҳкам бўлади. Ўз оила аъзоларига нисбатан туйғува эга бўлмаган, уларга фидокорлик қилишни билмаган бир киши ватанга ҳам фидокорлик туйғуси билан туйғулана олмайди.

Хулоса: ватан тарбиясида дастлабки вазифа оилга оиддир. Авлодимизга тўлиқ ватан муҳаббатини бериш учун, аввало уларнинг кўнглиларига қувватли бир оила муҳаббатини синдиришимиз, шу билан бирга ватандошларимизга нисбатан муҳаббат хисларини уйғотишимиз лозим.

Оила муҳаббати ватан муҳаббатининг муқаддаси, биринчи босқичи эканини унутмайлик.

Йилдан йилнинг фарқи бор. Ҳар йилнинг ўзига хос хотиралари, эсда қоладиган яхши-ёмон кунлари бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда 1985 йил кўпчилик қатори биз «Оқшом»чилар хотирасида «эскилик сарқитлари» дея ўтмишимиздан бизга мерос бўлиб қолган баъзи миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга қарши идеологик кураш кучайган йиллардан бири сифатида қолди десак тўғри бўлади. Бунга мисол тариқасида «Оқшом»нинг ўша йилги 2-3 январь сонларида эълон қилинган «Ўз муҳалифгани биласизми?» рўқни остида берилган мучал ҳақидаги мақолани келтиришимиз мумкин. Ушбу мақола «Олдузларга қараб башорат қилиш, мунажжимлик ва мучал қабилар бир ёки бир неча кишиларга тааллуқли бўлмасдан, баъзи ҳолларда, бутун бир халққа муносиб. Мучал ҳисоби Осиё ва Америка қитъаларида жойлашган кўпглаб мамлакатларнинг халқлари орасида қадимдан ҳукм суриб келинаётган ақидалардандир. Мучал ҳисоби 12 ҳайвоннинг номи билан юри-тиладиган 12 йилдан иборат бўлган даврни ўз ичига қамраб оладиган йил ҳисобидан ташкил топган» каби сўзлар билан бошланиб, кейин ҳар бир йилнинг хусусияти ва шу йилда тузилган кишиларнинг ҳаёт тарзи қандай кечиси таҳлил қилиб берилади. Энди айтинг, шу мақола ва унинг мавзусини эскилик сарқити ёки диний назария деб бўладими? Бугун бемалол ҳўнгина фикр юрилтаётганимиз — бу чиқиб ўшанда биз «оқшом»чилар бошига қанчалар «калт» ёғдирганлиги фақат бизгагина аён. Совет идеологияси учун бутунлай ёт деб саналган бу мақола учун юқори партия ташкилотларига кимлар жавоб бермади? Кимлар партиявий жазо олмади? Шу билан ҳам кутулмадик. Унинг кўнчаси, қўяқаси деярли йил бўйи давом этди.

Бир ёмоннинг бир яхисини, деганларидек шу йилнинг 15 январиде содир бўлган бир янгилик ҳам ҳамон ёдимизда сақланиб қолган. Худди шу кун узоқ кутилган муҳим воқеа Тошкентнинг энг баланд телеминораси ўз ишини бошлади. «Оқшом» газетаси ва янгиликни иссиғида ўз газетхонларига қуйидаги тарзда етказди.

«Бугун Тошкентнинг энг баланд нуқтасида қад кўтарган 375 метрли радио-телевизион минора ишга тушди. Янги антенна дастлабки радио ва телевизион эшиттириш ва кўрсатувлар программасини эфирга тарқата бошлади.

Миноранинг шу ҳолга келиши учун қурувчилар роппа-роса олти йил меҳнат қилдилар. Мана бу меҳнатнинг махсули: олис космосга учиб учун шай турган космик кемани эслатувчи 6 минг тонналик улкан ва шу билан бирга Иттифоқда ноёб иншоот бўлиши Тошкент антеннаси кенгайтирилган радиус бўйича илк бор эфирга чиқди. Эндиликда пойтахт облати ва Сирдарё облатининг (Сирдарё, Гулистон) туманлари аҳолиси сифатли телекўрсатувларни томоша қиладилар. Шунингдек, рангли тасвирдаги телекўрсатувларнинг сифати анча яхшиланади».

1985 йил «Оқшом» тарихига яна ичкилик-бозликча ва тўйлардаги дабдабозликка қарши кураш авж олган йиллар бўлиб кибриб қолган. Шу ўринда эътиборингизни иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат ветеранлари тахриратига йўллаган қуйидаги мактубга тор-томқичимиз: «Хурматли тахрират, тўкин замонда бахтли ҳаёт кечиряпмиз. Лекин ана шу тўкин-сочин турмушимизда катта исрофгарчилик қилаётган, манманликча берилиб, шухрат ва сохта обрў олиш учун дабдабали тўйлар ўтказаятган баъзи кимсалар урф-одатларимизга, янгича аъёнларимизга раҳна солишяётгани ҳаммани ранжитяпти. Биз ана шундай бир тўйда бўлиб жуда нафратланганимиздан унинг таъриф-тафсиллини «Оқшом»га ёзишга мажбур бўлдик.

Катта ҳовли, катта сайилгоҳдек одамларга лик тўлиб кетган «қизил тўй» дастурхонига ёйиб ташланган ноз-неъматлардан кўз қамашиб кетади. Оқ дастурхонлар ёзилган столлар устида турли-туман ширинликлар, мева-чевалар, ликобчаларда сомса, варақ, чучвара, пирожний, тортлар, катта биллур вазаларда тула «қора қум»лар, панжадекпанжадек шоколадлар, шаклдор ноёвотлар, лаганчаларда норинлар, яхна гўшлар, турли-туман неъматлар қалашиб ётибди. Бир йигитча сават тула буги чиқиб турган нолари кўтариб давра айланяпти. Ёнидаги ёрдამчи йигит ҳамманинг олдида иккитакитка нон ушатяпти. Қарангки, дастурхонга нон ҳам, пилёна ҳам қўйишга жой йўқ. Шишалардаги ранго-ранг ичимликлар нурда товланиб турибди. Бир пайт қадаб кўтариб, келин-куёвга бахт-саодат тилаш бошланиб

кетди. Тўй дастурхонига булғор гармдорили димлама, ҳасип, кейин манти, ундан кейин қабоб тортилди. Вақт ярим кечадан ошган бўлса ҳам магнитофон улаб қўйилган радиокорнаҳ етти маҳаллага етадиган даражада аюҳанос солиб ашула қиларди.

Шунисига ачиндикки, тўй ўтган бу хондондан эртаси куни ангорга челақ-челақ мева-чевалар, тоғора-тоғора овқатлар оқизилди, уч қоп уштилган нон моли бор одамларга тарқатилди. Маҳалладаги зукко кишиларнинг ҳисоб қилишларича, ана шу бойвачча тўйга 10 қоп ундан нон ёғдирибди. Буни тўйга келган одамлар сонига тақсимлаганда ҳар бир меҳмонга 20-25 тадан нон тўғри келар экан. Во ажабо, уч-тўрт соатда ўтадиган тўйда бир одам шунча нонни қандай ёйди? Ахир бу исрофгарчиликлар «тўқликча» — шўхлик», одамлар меҳнати билан яратилган ноз-неъматларга ҳурматсиз-

## Чиллар сағоми

## «ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ ЙИГИРМАНЧИ ҲИКОЯ

лик эмасми? Бу, замонамиз бизга берган гўзал ҳаётга, фаровон турмушга тупуриш, кўрнамалик эмасми? Биз шуларни ҳайрат билан ўйлаб, тўйларимизни қандай ўтказиш, у турмуш тарзимизга ярашиқли, ичмам ва чиройли бўлиши ҳақида кенг мулоҳаза ва тақлифларнинг ўртага ташланишини истардик».

Бу хатга жавобан тахрират «Тўй — умр гултоғи» номли мақола билан чиқди. Унинг муаллифлари бўлган даврининг энг илғор кишилари тўйларни иложи борича ичмам ўтказиш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Ҳамма даврлар учун долзарб бўлган бу мавзу «Оқшом» саҳифаларида мунтазам ёритиб борилади. Бу ҳақда аҳолининг кенг қатламлари ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб бориладир.

— Тўй — яхшилик белгиси. Сурнай навалари, ёр-ёрлар, кўвнинг тенгкур йигитлари қуршовида кўтаринки бир завку-шавқ билан келиниқига кириб келиши, келинқанин ҳарир, нафис либосларда илк бора саломга чиқиши... Санайёвсак никоҳ ва бошқа тўй-тўйчиқларда чиройли удулларимиз кўп, — деб ёзганди ўшанда шифокор Озода Қодирова. — Бирок кейинги вақтларда бу урф-одатларимиз шу қадар ранг-баранглашиб болалаб кетяптики, бундай ҳолатлар ота-боболаримиздан қолган гўзал қадриятларимизга соя ташламоқда.

«Бирники минга» ёки «чиллаки чиллакини кўриб чумак уради» деганларидек, яна орамизда қазуи бир шухратпараст, тўқликча шўхлик бўливларнинг дабдабали тўйларидан ибрат олувларга қўйиб бораётганлиги жамоатчиликни тавшишга солади. Ахир айтинг, ЗАГС маросимларида бир неча турнақатор қора «Волга»ларнинг кириб келиши, унинг ойинасига осилиб олган суратчиларнинг ушбу тантанани хатарли вазиятда суратга олиши қайси одаларимизда бор. Тўйларда қўша-қўша овоз кучайтиргичлари қўйиб ярим кечагача атрофда хаста, касалманд кишиларни безовта қилиш, ўйинчилар, санъаткорлар устидан сўмларни сочиш бизнинг урфимизда йўқку. Не машаққатлар билан тўплаган бойлигимизни ҳавога совургандан кўра уни боқувчисини йўқотган бева-бечораларга, меҳрибонлик ўйларига тарбияланаётган етим-есирлар фойдасига харажат қилсак бўлмайдими?

Узим шифокор бўлганим учун дабдабали тўйлар орқасида турли тасодифлар билан қалоқатга учраб, касалхоналарга тушиб қалаётган ёш-ялангларни кўриб эзил-иб кетаман. ЗАГС маросимидаги бебошлиқлар тўйфайи содир бўлаётган машиналар тўқнашуви, тўйдаги ичкиликбозликлар орқасидан келиб чиқаётган муштлашувлар, қўвнавкарларнинг келиниқига келиши вақтидаги «мушаққозликлар» натижасида жабрланаётган ёки умрбод мажрух бўлиб қолаётганларни кўрганимда қийналаман. Агар ўша тўйлар урф-одатимизга хос, ичмам тарзда ўтказилганида эди, бундай қурғуликлар бўлмасди-ку, деган ҳаёлларга бораман. Ҳеч бўлмаса мана шулардан, кўз ўнгимизда рўй бераётган воқеа ва ҳодисалардан ўзимизга тегишли хулоса чиқарсак бўлмайди?

— Яқинда бир танишим тўйга тақлиф қилди, — деб ёзганди қурувчи Хусниддин

Алиев. — Тақлиф қоғозига кўз югуртирсак ушбу тантана номдор ресторанлардан бирида ўтиши эзиб қўйилди. Шундай даңгиллама, серфайз ўйи туриб, уни ресторанда тўй ўтказишга нима мажбур қилди экан, деган савол нуқтаи назаридан ётиги билан унга гоғиз очсам танишим:

— Эй ука, тўй умрда бир марта бўладиган нарса. Шундай экан, у эсда қоладиган бўлиши керак. Қолаверса уйда ўтказсангиз ҳамма сарсону-саргардон. Хотиндан тортиб, бола-чақагача овора. Майда-чуйда, қозон товоқ дегандек. Ахир уйдагилар ҳам дунёга бир марта келади. Ҳеч бўлмаса ўз тўйларида (беминант хизмат қиладиганлар бўлгандан кейин) тиниб-тинчиб, мазза қилиб, меҳмондек ўтиришинида.

Танишимнинг кўнглига келмаслиги учун «О-ҳа, буюғини ўйламабманда, ака», деб қўя қолдим. Биз ўзбекларда миннатдорчилик сифатида «тўйларингизда хизмат қилай» дейдиган гап бор. Қолаверса, одамлар умр бўйи «ўйимда яхши тўйлар бўлсин» деб ният қилади. Энди ҳовлинг тор, чор-ночор бўлса бошқа гап. Агар у кенг, мухташам, ҳам қанча келди-кетдини ўзига сиғдира оладиган даражада бўлса-ю, тўйни ўзга эшиқда қилсанг галати туюларкан. Ҳатто, шундай қошоналари бўла туриб, ўтганларни хотирлаш маросимларини ҳам (унинг хизматидан қочиб)

ресторанларда ўтказаятганларни кўриб-биллиб турибмиз. Бизнингча, ўтганлар руҳини кўча-кўйда эмас, балки ўз ўйимизда эсласак анча ўринли бўлади. Бунинг савоби ҳам кўпроқ тегади. Ахир ўз тўйингизда ёки отанонг, жигарларининг бирон-бир маросимига хизмат қилсанг, қаерда хизмат қилсанг? Заҳматсиз, машаққатсиз уйга келган келин, бели оғримай тўпилган мўмай даромаддек кадрни кўр бўлмайди? Шулар ҳақида бир ўйлаб кўрсак ёмон бўлмасди, албатта.

Шу йиллари «Оқшом» газеталарида яна бир мавзу кенг ёритилди. Газета барча вақтли матбуот органлари қатори ичкиликка қарши ўт очди. Газета саҳифаларидан «Уш-ёрлик — ҳаётимиз тарзи», «Ичкиликбозлик — иллат», «Хушёр турмуш тарзи учун», «Ичкиликка ўр очайлик» каби руқнар мустаҳкам кўн олди. Биз шу ўринда ўша йилги «Ичкилик — умр эгови» номли мақоладан баъзи бир мисолларни келтирсак масалая янада яқиндан ёндошган бўламиз.

«Ичкиликбозлик... Алкоголизм... Қанчалар одамларнинг ёстигини қуритмади, қанчадан-қанча жиноятларга сабаб бўлмади, қанчалар ота-она, рафиқа-ю, жажжи фарзандларимиз кўз ёшларини тўқмади. Спиртли ичимликларни суиестемол қилувчи шахслар жамиятга нақадар катта моддий ва маънавий зарар етказиши шунинг ўзиданок кўришиб турибди. Ичкилик инсоният бошига келтираётган қулфатларнинг ҳаммасини санаб чиқиб қийин, албатта.

Бизнинг жамиятимизда алкогольнинг илдиши тугатилган. Бирок, гурч курмаксиз бўлмагандек, ҳаётда онда-сонда бўлса ҳам алкогольга ружу қўйган кишилар учраб туради. Ичкилик тўйфайи уларнинг оиласи бузилади, бахти қаро бўлади, севган ишидан ажралади, ёру дўстлари улардан юз ўгирара. Темир йўлда, транспортда аварияларнинг рўй беришига, фабрика, заводларда, қишлоқ ўҳаллигиде бракка йўл қўйилишига, турли жиноятларнинг содир бўлишига қўпича алкогольизм сабаб бўлмоқда. Алкогол одам организмизга ҳар хил таъсир қилади. Бу организмнинг умумий ҳолати ва қуввати боғлиқ. Бирок ичкилик қанча ичилишидан қатъий назар, одам организмизга ҳалокатли таъсир қилади.

Афсуски, кўпчилик ичкиликнинг бундай хунук оқибатларга олиб боришини ўйламайди, алкоголь тўйфайи турли хил дардга йўлиққанларда юрак ва бошқа органларга касаллик ривожлангандан кейингина уларнинг эси қиради. Алкогол психозлари, юрак инфаркти, фалаж, инсульт, мия айнаши, эси пастлик, ичкилик инчадиган ота-онадан майи-мажрух бола туғилиши — буларнинг ҳаммаси ичкиликбозликнинг оқибатидир.

Бу каби чиқишлар даврининг энг долзарб мавзулари бўлиб, уларни газета саҳифасидан туширмай, балки янада кенгроқ ёритиш талаб этиларди.

1985 йил ана бир муҳим янгилиги билан эсимизда қолганди. Худди шу йили газетамиз бош муҳаррири ўзгарди. Ўш юритаётган муҳарриримиз Ш.Убайдуллаев охириги марта 12 декабрь куни «Оқшом»га имзо чеқди. Шу йилнинг 18 декабрдан эса газета янги муҳаррир Тўлқин Қозқобоевнинг имзоси билан чиқа бошлади.

**Махмуд КОМИЛЖОНОВ**

**Ранг-баранги**

олам

**БИРДАНИГА БЕШОВЛОН**

Американинг Сан-Антонио шаҳрида (Техас штати) бирданига бешовлон — уч қиз ва икки ўғил бир она қорнидан "талашиб" туғилишди. Олимларнинг таъкидлашларича, бундай ҳодиса жуда камдан-кам бўлади, яъни 85 миллион туғилишдан сўнг воқеа яна такрорланиши мумкин, дейилади Югославиянинг "Политикан забавник" журналида.

**КИЗИЛ ЧИРОК ВА 851 МИНГ ДОЛЛАР**

Флорида штатининг Майами — Бич шаҳри кўчаларидан бирида "Пантиак" автомашинаси ҳайдовчиси сабри чидмай қизил чироқда ўтиб, қойдани бузди. Буни кузатиб турган тартиб посбонлари ана шу машинадан бир неча минг долларни мусодара қилишлари хаёлларига ҳам келмаган эди.

Бесабр ҳайдовчига маълум миқдордаги жарима тўлаши лозимлигини тушунира туриб, полициячилар орқа ўриндикда турган яшикка қизиқиб қолишди. Унда нима борлигини сўрашганда, ҳайдовчи "пуллар" деб жавоб берди. Ҳайдовчининг ошқора жавобидан қониқмаган полициячилар "қани бундай катта яшикка қанча пул кетар экан" деб очиб кўришди. Яшикка бор йўғи 300 минг доллар сифар экан, юкхонани очиб кўриб у ердан ҳам минг долларлик банкнотларни топишди. Ҳар ҳолда бунча катта бойликни қаердан олганини етарлича тушунириб беролмагани учун ҳайдовчи хибсга олинди. Уйини тинтув қилишганда яна 300мингга яқин доллар топилди. Шундай қилиб, ундан ҳаммаси бўлиб, 851 минг доллар мусодара қилинди. Қўлга олинган Альвадро Ролдан Перес АҚШга Колумбиядан бир неча ой илгари яширин ўтган экан.

**ТУЯҚУШЛАР ХИЗМАТДА**

Австралиялик Фред Маркин ўз фермасида туяқуш боқиш билан шуғуллана бошлади. Ҳозир унинг отарида уларнинг сони 85 бошга етди. Сўнгги пайтларда Австралияда, бу кушларни байрам ярмаркаларида аравага қўшиб сайр қилиш айна модага кирган. Шунинг учун фермер бу экзотик кушларни кўпайтиришга аҳд қилган. Туяқушлар енгил ҳаракат қилиши, чидамлилиги билан бемалол отларнинг ўрнини босмоқда.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни ва ёшларни иш билан таъминлаш, маънавий-маърифий дунёқарашини кенгайтириш, шу билан бирга мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшаётган муносиб ҳиссасини қадрлаш, бу борадаги самарали меҳнатларини рағбатлантириш бўйича қабул қилинган Президент Фармонлари, қарорлари, давлат дастурлари катта аҳамият касб этмоқда. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 июндаги 299-сонли тегишли қарори иқросини такомиллаштириш борасида ўтган бир йил давомида хотин-қизларнинг нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, улар билан самарали ҳамкорликни таъминлаш, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, янгилаш жараёнига йўналтириш, жамият ва давлат қурилишида уларнинг ролини кучайтиришда кўп амалий ишлар қилинди. Мазкур Фармоннинг бир йиллиги муносабати билан ҳамда ўтган давр мобайнида қилинган ишларнинг сарҳисоби сифатида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси томонидан Собир Раҳимов туманидаги «Кўшлут» гузарида «Хотин-қизларнинг жамият ижтимоий ҳаётида ва давлат қурилишидаги ролини ошириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Семинарда шаҳар, туман ва маҳаллалар хотин-қизлар кўмитаси раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, шунингдек Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Адлия бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, Божона бошқармаси, Солиқ ва давлат мулк кўмитасининг шаҳар бошқармаси, хотин-қизларнинг нодавлат-

нотижорат жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар вакиллари ва бошқалар иштирок этдилар.

Тадбир аввалида шаҳримизда фаолият юритаётган тадбиркор аёлларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари кўргазмаси ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Модалар театри талаба қизларининг чиқишлари йилгиланлар Эвтиборини тортиди. Анжуманда Тош-

ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аёлларнинг сиёсий онгини, саводхонлигини ошириш, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилганини таъкидлаб ўтди. Шунингдек анжуманда Республика хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Г.Маъруфова, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлигининг ўринбосари Г.И.Номжоновна, Давлат мулк кўмитасининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи ўринбосари Д.Дулуллоев, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари А.Муминов ва бошқалар сўзга чиқиб ўтган давр мобайнида қилинган ишлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Бугунги кунда жамиятни демократик янгилашишда хотин-қизларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бораётганлигини эътироф этиш жоиз. Айни бу семинар ҳам аёлларнинг давлат ва жамият қурилишида фаол иштирокини таъминлаш борасидаги катта бир амалий анжуман деб ҳисоблайман, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилором Тошмухамедова. — Республикада аёлларга эътибор, уларни давлат ва жамият ишларига жалб этиш масалалари муҳим устувор вазифалардан бирига айланган. Бугунги анжуманда ҳам тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёллар, уларнинг имкониятлари ва муаммолари ҳақида фикр юритилди. Бу хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалалари, хусусийлаштириш жараёнлари, солиқ тизими, аёлларнинг нодавлат ташкилотларини хотин-қизлар ташкилотлари билан, сиёсий партиялар билан ҳамкорлик масалаларидир. Уйлайманки, ушбу семинар амалий таъсир натижалари билан бой бўлади, шу билан бирга аёлларимизнинг ўз фаолиятларини олиб боришларида катта тўртки бўлади, албатта.

Баҳо-мунозаралар, савол-жавоблар тўғрисида ўтган анжуман йилгиланларда катта таассурот қилди.

Дилором ИКРОМОВА

**СУРАТДА: анжуманда тадбиркор аёлларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари кўргазмасидан лавҳа.**

**Анжуманлар****ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА**

Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги, ёш авлод камолоти, адолат мезонларининг мустаҳкамлиги, ислохотлар самарадорлиги ва тараққиётнинг асосий илдизлари кўп ҳолларда жамиятда аёлларга берилаётган эътиборга боғлиқ. Президентимиз И.Каримовнинг бевосита раҳнамоллиги остида хотин-қизлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш, кўллаб-қувватлаш, уларга бўлган ҳурмат ва катта ишончнинг яна бир намунаси сифатида бугун аёлларга бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди.



кент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова «Хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш» мавзусида сўзга чиқиб Президентимизнинг ўтган йил май ойидаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига бир йил тўғналгани ва ана шу ўтган давр мобайнида Республика, шаҳар, туман, маҳалла, ҳамда қорхона ва ташкилотларда хотин-қизлар кўмиталарининг жамиятда фаоллигини ошириш, оналик

ҳамкорлик масалаларидир. Уйлайманки, ушбу семинар амалий таъсир натижалари билан бой бўлади, шу билан бирга аёлларимизнинг ўз фаолиятларини олиб боришларида катта тўртки бўлади, албатта.

Баҳо-мунозаралар, савол-жавоблар тўғрисида ўтган анжуман йилгиланларда катта таассурот қилди.

Дилором ИКРОМОВА

**СУРАТДА: анжуманда тадбиркор аёлларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари кўргазмасидан лавҳа.**

**"050" — хабарлари****ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА**

Сўнгги йилларда пойтахтимизда транспорт воситаларини сонининг ортиб бораётгани кузатишмоқда. Шунга яраша йўлларда транспорт воситаларининг катнови ҳам кўпайиб бормоқда. Утган йилги таҳлилларга қараганда, содир бўлган фавқулодда вазиятларнинг кўпчилиги йўл-транспорт ҳаракатлари билан боғлиқ бўлиб қолаётди. Бунинг оқибатида ўнлаб инсонлар ҳалок бўлмоқда ёки тан жароҳати олмоқда, шунингдек транспорт воситаларининг шикастланиши натижасида катта миқдорда моддий зарар ҳам кўриломоқда.

ЙТХларининг содир бўлиши асосан транспорт воситаларининг тўқнашиши, пиеддаларни уриб юбориш, транспорт воситаларининг тўсиққа бориб урилиши билан боғлиқдир. Тошкент шаҳар ҳудудида содир бўлган фавқулодда вазият билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси 050 — "Кутқарув хизмати" ходимлари томонидан воқеа жойида шикастланган автотранспортлардан жабрланган инсонлар чиқариб олиниб, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, даволаш муассасаларига тезда олиб борилиши таъминланмоқда ва натижада аксарият инсонларнинг ҳаёти

саклаб қолинмоқда.

Бу ЙТХларнинг асосий сабабини транспорт воситалари ҳайдовчиларининг интизомсизлиги, ҳайдовчилик малакасининг етарли эмаслиги, натижада юзага келган вазиятга тўғри баҳо бера олмаслиги, эътиборсизлиги ва йўл ҳаракати қоидаларини кўпол равишда бузиши (ҳаракатланиш тезлигининг белгиланганидан оширилиши, маст ҳолатда транспорт воситасини бошқариш, йўл белгиларига ва яшил чироқнинг ишораларига риоя этмаслиги ва бошқалар) ташкил этади. Энг ачирлиқ, бу ЙТХлари натижасида нафақат транспорт воситалари ҳайдовчилари, балки пиеддалар

ва шу транспорт ичида бўлган йўловчилар, жумладан, ёш бола-лар ҳалок бўлишаётгани ёки тан жароҳати олаётгани кўллаб қайд этилмоқда.

Пойтахт фавқулодда вазиятлар бошқармасининг 050 — "Кутқарув хизмати"га келиб тушган кўнгилсиз воқеалар ҳақидаги хабарлар бунга мисол бўла олади.

Масалан, ўтган ҳафтада Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг тезкор на-вбатчи қисмига Мирзо Улугбек тумани, Оҳангарон кўчаси NBU ўйингоҳи қаршида йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлгани, жабрланганларни кутқариш ке-раклиги ҳақида милиция ходим-

ларидан хабар тушди. Лейтенант Мурод Жўраев бошчилигида "Кутқарув хизмати" ходимлари томонидан махсус кутқарув асбоб-ускуналари ёрдамида жабрланганлар автоулов ичидан чиқариб олинди ва тез тиббий ёрдам ходимларига топширилди.

Бундан ташқари, тезкор на-вбатчилик қисмига Юнусобод туманидаги Амир Темури кўчасида йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлгани ва автоулов ичида одам қисилиб қолгани ҳақида йўловчи-дан хабар тушди. Лейтенант Р.Абдухаликов бошчилигида "Кутқарув хизмати" халоскорлари томонидан махсус кесувчи-кенгайтирувчи асбоблар орқали автоулов ичидан олиб чиқилган инсон ҳаёти саклаб қолинди.

Буни айтишдан мақсад-мудда-омиз шуки, ҳайдовчи ва йўловчи-лар йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этишлари, интизом-ли, эътиборли бўлишлари шарт. Шундагина ЙТХлари билан боғ-лиқ фавқулодда вазиятлар, улар натижасида ҳалок бўлаётган ва жароҳат олаётганлар сони, кўри-лаётган моддий зарар миқдори кескин камайди.

Улугбек ЖУМАБОВ,  
Азамат СУЙОНОВ**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИЛАР**

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 64-катталар таълим маркази томонидан 2002 йил 24 июнда Юлдашев Санжар Абдурасулович номига берилган O'R-A № 1231440 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ****Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши-нинг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текши-ришларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

**Спорт**

**ЁШЛАРГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ**

Келажагимиз ворислари — болажонлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги қошида ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу кунгача жамғарма ташаббуси билан мамлакатимизда ва Тошкент шаҳрида 100дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилди, мазкур мажмуалар спорт инвентарлари билан таъминланди. Бироқ спортни янада ривожлантириш учун халқ таълими тасарруфидоги мактабларга, спорт мактабларига, ўрта махсус касбхўнар таълими муассасаларига малакали мураббийлар жуда зарур. Шу боис ҳам Халқ таълими вазирлиги қўни кеча ана шу масалаларга бағишлаб уюштирилган йиғилишда хайрли ташаббус билан чиқди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия институтида малакали кадрлар тайёрланишига қадар шахримиздаги ва вилоятлардаги махсус спорт мактабларининг битирувчиларига мактабларда мураббийлик қилишга имконият берилди. Ана шунда спортни ривожлантириш борасида мураббийлар етишмаслиги борасида юзага келган муаммо бир қадар ечимини топади. Спорт мутасаддилари, Халқ таълими вазирлиги ходимлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда келгусида бажариладиган вазифалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

**ФАХРИЙЛАР МАЙДОНГА ТУШАДИЛАР**

Хар мавсум Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан фохрийлар ўртасида футбол бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари ўтказилаётганлиги қувонарли ҳол.

Жорий йилда ҳам ушбу анъана давом этадиган бўлди. Тошкент, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси жамоалари иштирок этадиган ушбу беллашувлар тўрт гуруҳда ташкил этилди. Дарвоқе, октябр ойида ушбу турнирнинг финали уюштирилди. Ушбу учрашувни тажрибали ҳакам Сардор Нажафалиев бошқаради.

(Ўз мухбиримиз)

«O'ZKOMMAISHIYSAVDO» очик акциядорлик жамияти жамоаси «Ўзлугуржисавдо» акциядорлик компанияси раиси Музралло Мирзаалиев Миржалолова онаси **Мухаббат ая ҒУЛОМОВА**нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

«Ўзгилулугуржисавдо» акциядорлик жамияти «Ўзлугуржисавдо» акциядорлик компаниясининг раиси Музралло Мирзаалиев Миржалолова волидаи муҳтарамаси **МУХАББАТ АЯНИНГ** вафот этгани муносабати билан чўқур таъзия изхор этади

**Самбо**



**САМБОЧИЛАРИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ**

Мамлакатимизда бошқа спорт турлари қатори самбо ҳам жадал суръатлар билан ривожланаётганини яқиндагина пойтахтимизда ўтказилган самбо бўйича Осиё ва Жаҳон чемпионати мусобақалари аққол исботлаб турибди.

“Жар” спорт мажмуасида уюштирилган Осиё ва Жаҳон чемпионати Мексика, Эстония, Қирғизистон, Туркманистон, Мўғилистон, Қозоғистон, Тожикистон, Литва, Латвия ҳамда Россиядан 600 нафар самбо спортининг моҳир усталари ташриф буюргани эса таҳсинга сазовор. Шуниси қувонарлики, мутахассислару муҳлислар томонидан нуфузли турнирнинг совринли ўринларидан бирига даъвогар деб ҳисобланган Ўзбекистон терма жамоаси ўзига билдирилган ишонччи оқлади. Осиё чемпионати

бахсларида 9 та олтин, 1 та кумуш, 7 та бронза медалларини қўлга киритган ҳамюртларимиз жаҳон чемпионати беллашувларида 11 марта шохсуна турининг энг юқори поғонасини эгаллагша муваффақ бўлишди.

Муросасиз, қизиқарли, ҳаяжонли дақиқаларга бой кечган беллашувлар якунида ҳакамлар ҳайвати томонидан умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоасига биринчи ўрин лойиқ қўрилди, россиялик самбочиларга иккинчи ўрин навиб этган бўлса, Мўғилистон терма жамоаси аъзолари учин-



чи ўрин билан кифояланишди.  
**Акбар ЙҮЛДОШЕВ СУРАТЛАРДА: Жаҳон ва Осиё чемпионати мусобақаларидан лавҳалар.**  
**Алексей Попов олган суратлар**

**2005 — Сухит-саломатлик йили**

**АЁЛЛАР СПАРТАКИАДАСИ ЯКУНЛАНДИ**

Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида ўтказилган республика аёллар спартакиадаси беллашувлари ниҳоясига етди.

«Сухит-саломатлик йили» давлат дастурига мувофиқ Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Касаба уюшмалари федерацияси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридоги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Миллий Олимпия Кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардаги қорхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари бўлган 400 нафарга яқин хотин-қиз иштирок этди.

Спартакиада иштирокчилари икки кун давомида спортнинг волейбол, стритбол, энгил атлетика, стол тенниси, шахмат, шашка, арқон тортиш, сузиш турлари бўйича ўзаро куч синашди.

Қизгин курашларга бой бўлган беллашувларда волейбол ва арқон тортиш бўйича Тошкент шаҳри жамоаси вакиллари биринчи ўринни қўлга киритди. Стритболда Тошкент вилояти жамоаси хотин-қизларига ҳеч қим тенг кела олмади. Шашкада наманганликларнинг қўли баланд келди.

Стол тенниси бўйича Тошкент вилояти вакили А.Аблаева барча рақибларини энгил, олтин медалини қўлга киритди. Шахмат бахсларида эса пойтахтлик М.Шокирова шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Энгил атлетикада турли масофаларга югуриш бўйича андижонлик Г.Облақулова, фарғоналик Г.Қозлова, А.Гладошева, қорақалпоғистонлик С.Дўсманова зафар кучди.

50 ва 100 метр масофага эркин усулда сузиш бўйича беллашувларда пойтахтлик Маргарита Завязочникова ва Юлия Рашковани галаба қозонди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри биринчи, пойтахт вилояти иккинчи, Фарғона вилояти вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

Энг муҳими, аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришда, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда шундай мусобақаларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ҳақиқатан ҳам спартакиада ташкилотчиларининг совгалари топширилди.

**Қаҳрамон ҚАРШИЕВ, Лутфулла СУВОНОВ, Ўза Мухбирлари**

**Ўқибон**

**САФАРДАГИ ГАЛАБА**

ЎТГАН КУНИ мамлакатимизнинг етти шаҳрида олий лига жамоалари XIV миллий чемпионатининг 9-тур учрашувларида ўзаро куч синашишди.

Сафарда “Тўпаланг” жамоаси билан ўйнаган шахримизнинг “Локомотив” клуби футболчиларига бу гал омад кулиб боқди. Айтиш жоизки, беллашува анча шиддатли ва муросасиз курашлар остида ўтди. Аммо мезбонларга нисбатан маҳоратлироқ ўйнаган темирйўлчилар 2:1 ҳисобида галаба қозониб муҳим уч очкони қўлга кириштиди. Дарвозага тўпларни “Тўпаланг”дан Бозоров, “Локомотив”дан Усмонхўжаев ва Идиатуллинлар киритишди.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди. “Бухоро” — “Нефтчи” — 2:1, “Сўғдиёна” — “Қизилқум” — 0:0, “Шўртан” — “Металлург” — 1:3, “Самарқанд-Динамо” — “Машъал” — 0:2.

Миллий чемпионатнинг навбатдаги 10 тур баҳслари 18 июнда бўлиб ўтади.

**Анвар ЙҮЛЧИЕВ**

**ШИНГИЛ ТАБАССУМ**

Бўрон пайтида бир аёл кема бортидан денгизга қулаб тушди. Унинг кетидан бир эркак ҳам сувга йиқилди ва аёлни қутқариб чиқди.

Кечкурун қаҳрамон шарафига кеча уюштирилди.

— Қандай қилиб қутқарганингизни сўзлаб беринг, — илтимос қилишди йиғилганлар.

— Қандай қутқарганимни ўзим ҳам билмайман, — деди у киши. — Аммо мени сувга биров ттариб юборгани эсимда.

Поезд келаётганини кўрган йўловчилар станция бошлигининг қўлларини қисиб, раҳмат айта бошлашди.

— Раҳмат, раҳмат. Мана энди чинакамига ишга киришибсизлар. Неча ойлardan бери биринчи марта поездимиз ўз вақтида келяпти.

— Сизларни хаффа қилмоқчи эмасдим, — деди станция бошлиғи, — аммо айтишга мажбурман. Бу кеча кечкурун келиши керак бўлган поезд.



— Деҳқонман дейсиз, деҳқонлигингизни тасдиқловчи ҳужжатингиз борми?  
— Ҳужжатим йўқ, тўғриси бир деҳқондан кўтарога сотиб олиб майдалаб сотиб ўтирибман.

**Абдурауф Хошимов чизган расм.**



Муассис:  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқ офсет усулида босилади.  
3684 нускада босилди. Қўғот биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнара чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масаллари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоб акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.